

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

(ОТМ ректори)

2020 йил “27” 06

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020 йил “30” 10

Рўйхатга олинди: № 5232000

2020 йил “29” 10

СУҒУРТА ИШИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	230000	– Иқтисод
Таълим йўналишлари:	5230600	– Молия
	5230900	– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
	5230700	– Банк иши
	5230800	– Солиқлар ва солиққа тортиш;
	5231300	– Пенсия иши
	5231500	– Баҳолаш иши
	5232100	– Корпоратив молия
	5232000	– Давлат бюджетининг ғазна ижроси
	5232700	– Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш
	5232800	– Электрон тижорат

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “29”10” даги “6”-сонли буйруғининг __ - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил “29” 10” даги “568” - сон баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Маврулова Н.А.

ТМИ “Суғурта ва пенсия иши” кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD

Такризчилар: Халиков У.Р.

“Капитал суғурта” АЖ суғурта
компанияси бош директори (кадрлар
буюртмачиси)

Баймуратов Т.М.

ТМИ “Суғурта ва пенсия иши” кафедраси
и.ф.н., доцент

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил “__” ____ даги ____ - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Суғурта иши – суғуртанинг назарий асосларини классик ва замондош иқтисодчилар қарашларига таянган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган турли хил ҳодисаларни олдини олишда хизмат қилади. Ҳозирда суғурта назариясида қўлланилмайдиган ёки татбиқ этилмайдиган соҳага бирор-бир мисол келтириш амри маҳол. У тобора кўплаб фанларнинг назарий ва тадқиқий изланишларида универсал воситага айланиб бўлди. Бугунги кунда суғурта соҳасидаги барча билимларимизни тизимга солувчи, табиат ва жамиятдаги реал жараёнларни суғурта назарияси ёрдамида ўрганувчи фандан иборат.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрнини рақобатбардош кадрларни тайёрлашда, инновацион ишланмалар асосида суғурта соҳасини ривожлантиришда, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари шаклланишида, малакавий ва тадқиқот амалиётлари ўтказилишида, ҳамкорликдаги технологик ишланмаларда, бошқарувнинг замонавий шакллари бўйича малака оширишларни ташкил этилишида, амалиётчи мутахассисларни муаммоли маърузаларга ва ўқув жараёнига жалб этилишида, соҳа битирувчиларини мунтазам иш ўринлари билан таъминлаш жараёнидаги узвийликда кўриш мумкин.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш шароитида суғуртанинг назарий асосларини классик ва замондош иқтисодчилар қарашларига таянган ҳолда ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга суғуртанинг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичлари; суғурта муносабатларида қўлланиладиган ибора ва тушунчалар; суғурта муносабатларида таваккалчиликнинг мавжудлиги; суғурта фондларини ташкил этиш ва уларнинг шаклланиши; суғурта ташкилотларида бизнес жараёнларини ташкил этиш; суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмаси; суғурта ташкилотида иш юритишни ташкил этиш асослари бўйича назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- Ўзбекистонда суғуртанинг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичлари;
- суғурта фондларини ташкил этиш ва уларнинг шаклланиши;
- суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари;

- суғурта ташкилоти ташкилий тузилмаси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- суғурта таваккалчилиги тушунчаси;
- суғурта компаниясида таваккалчиликларни бошқариш асослари;
- суғуртани гуруҳлаш ва ўтказиш шакллари;
- суғурта шартномаси;
- суғурта муносабатларини амалга оширишни *билиши ва фойдалана олиши*;
- суғурта маҳсулоти;
- суғурта тарифи ва суғурта мукофоти;
- суғурта ташкилоти молияси;
- суғурта компаниясининг инвестицион фаолияти;
- қайта суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг суғурта бозорига таъсири;
- суғурта бозори ва унинг ривожланиш қонуниятлари;
- суғурта фаолиятини тартибга солиш;
- чет мамлакатлар суғурта бозорининг *кўникмаларига эга бўлиши керак*;
- суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказилиши;
- суғурталовчини ташкил этиш шакллари;
- тарихий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёндашувлар;
- тижорат асосида фаолият юритувчи суғурта ташкилоти ва унинг ўзаро суғурта ташкилотларидан фарқи;
- ўзаро суғурталаш: уни ташкил этишнинг тарихий ва замонавий шакллари;
- суғурта муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш бўйича *малакаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Суғурта назарияси тараққиётининг умумий асослари

1-мавзу. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг бозор муносабатларида тутган ўрни

Фаннинг предмети ва объекти. Суғурта ҳақида тушунча. Суғурта иқтисодий категориясининг муҳим белгилари. Суғурта бозор инфратузилмаси ва унинг таркибий қисми. Суғурта фондлари ва уларнинг шаклланиши. Марказлашган суғурта фондлари. Ўз-ўзини суғурталаш фондлари. Ўз-ўзини суғурталаш фондларининг афзаллик ва камчилик томонлари. Суғуртанинг функциялари. Суғурта фондини ташкил этиш билан

боғлиқ функцияси. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функцияси. Назорат қилиш функцияси.

2-мавзу. Суғурта муносабатларида қўлланиладиган ибора ва тушунчалар

Суғурта захираларини шаклланиши билан боғлиқ атамалар. Суғурталовчи ва суғурталанувчи. Суғурта шартномаси ва суғурта полиси. Суғурта объекти ва субъекти. Суғурта тарифи ва суғурта мукофоти. Суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта захираларидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар. Суғурта ходисаси. Суғурта суммаси ва суғурта қопламаси. Суғурта жавобгарлиги ҳажми. Суғурта rischi. Суғурта далолатномаси. Франшиза. Халқаро суғурта атамалар: “Яшил карта”, “СИФ”, “КОФ” тушунчалари.

3-мавзу. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва суғурта компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Суғуртанинг қонуний асослари ва унинг мазмуни. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркибига кирувчи қонунчилик ҳужжатлари. Умумий суғурта қонунчилиги. Махсус суғурта қонунчилиги. Суғурта қонунчилигида Фуқаролик Кодекси ва ундаги 52-бобнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни: унинг тузилиши ва мазмуни. Давлат суғурта назоратининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг қабул қилиниш тартиби ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олиниши. Суғурта ташкилотларининг устав капитали.

4-мавзу. Суғурта соҳалари ва уларнинг интерпретацияси

Суғурта фаолияти соҳалари. Суғуртанинг соҳаларга бўлинишининг сабаблари ва аҳамияти. Умумий суғурта тармоғи ва унга оид класслари. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи. Суғурта классларининг мазмуни ҳамда улар бўйича суғурталаш шартларига қўйиладиган талаблар.

5-мавзу. Суғуртада тариф сиёсати

Суғуртада тариф ставка ва унинг таркибий қисмлари. Брутто ставка. Нетто ставка. Суғурта ходисасини рўй бериш эҳтимоллиги ва кутилаётган суғурта қопламалари ҳажмини аниқлаш. Актуар ҳисоб-китоблар. Суғурта тарифи ва унга таъсир этувчи омиллар. Суғурта тарифига юклама ва унинг ишлатилиш йўналишлари. Ҳудудлар ва объектларга қараб суғурта тарифларини табақалаштириш.

6-мавзу. Суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш

Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари. Суғурта бозори ривожланишини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Суғурта бозорини ҳудудий жойлашуви бўйича турлари. Минтақавий суғурта бозори ва уни ташкил этилиши. Халқаро суғурта бозори ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ва унинг вазифалари. Актуарийлар маркази ва консалтинг фирмалари. Суғурта бозорида монополистик фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш ва барҳам бериш. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш шакллари. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари. Давлат суғурта назорати органи: унинг функция ва вазифалари. Суғурта бозорини тартибга солишга қаратилган асосий меъёрий ҳужжатлар.

7-мавзу. Суғурта компаниясининг молиявий асослари

Суғурталовчи молияси; суғурта ташкилоти айланма маблағларининг ўзига хос хусусиятлари; суғурталовчи молиявий барқарорлигининг асоси; устав капитали ва уни шакллантириш тамойиллари; суғурталовчи ўз капитали тушунчаси; қарз капиталлар ва унинг таркиби; суғурта ташкилотлари ресурслари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари; суғурта ташкилоти молиявий натижаси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари.

8-мавзу. Шахсий суғурта

Шахсий суғурта ва унинг келиб чиқиш тарихи. Шахсий суғурта объекти ва субъекти. Шахсий суғуртанинг турлари: ҳаёт суғуртаси; тиббий суғурта; мактаб ўқувчиларининг бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш; фуқороларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш; фуқороларнинг соғлигини касалликлардан суғурталаш; фуқорони маълум ёшгача етишишини суғурталаш; вафот этиш ҳолатидан узоқ муддатли суғурталаш; чет элга кетувчиларни касалликлардан суғурталаш. зарурлиги ва шартлари. Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш. Суғурта муддати; суғурта ҳодисалари; томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; умумий истиснолар; тиббий хизмат ҳақини тўлаш ва уни ташкил этиш. Мажбурий давлат суғуртаси ҳақида тушунча. Ҳарбий хизматчиларни мажбурий давлат суғуртаси–ижтимоий муҳофазанинг муҳим воситаси. Суғурта тарифи ва суғурта суммаси. Суғурта мукофотини ҳисоблаш ва суғурталовчига тўлаш муддати. Суғурта полисини расмийлаштириш.

Умумий истиснолар. Суғурта суммаларини тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш.

9-мавзу. Жавобгарликни суғурта қилиш

Фуқаролик жавобгарлиги ҳақида тушунча. Суғурта объектлари ва субъектлари. Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" Қонуннинг иқтисодий мазмуни. "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун моҳияти. Хорижий автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш. Касбий жавобгарлик суғуртаси. Суғурта тарифи ва суғурта суммаси. Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш. Суғурталашнинг асосий шартлари: суғурта рисклари; томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; умумий истиснолар; суғурта муддати; регресс ва суброгация. Суғурта шартномасини бекор қилиш ва тугатиш. Суғурта ҳодисаси рўй берганда тақдим этиладиган ҳужжатлар. Етказилган зарарларни аниқлаш, тўланадиган суғурта суммаларини ҳисоблаш ва уларни суғурта далолатномасида акс эттирилиши.

10-мавзу. Мажбурий давлат суғурта турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари

Мажбурий суғурта ҳақида тушунча ва уни ўтказишдаги асосий шартлар. Мажбурий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш: суғурта тарифлари ва суммаси, шартлари. Суғурта ҳодисаси рўй берганда томонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларини мажбурий давлат суғуртаси.

2-Модул. Суғурта амалиётининг юритилиши

11-мавзу. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани суғурталаш

Мулк суғуртасининг моҳияти. Суғурта объекти ва субъектлари. Суғурталашнинг асосий шартлари. Суғурта тарифини ҳисоблаш. Суғурта мукофотини тўлаш. Суғурта полисини расмийлаштириш. Суғурта шартномасини кучга кириши ва ижро этилиши. Шартли ва шартсиз франшиза. Суғурта мониторинги. Умумий истиснолар. Суброгация ва регресс. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва тартибга солиш механизми. Автотранспорт воситаларини суғурталашнинг зарурлиги. Суғурта манфаати.

Автотранспорт воситаларини суғуртаси бўйича суғурта шартномалари тузиш. Суғурта рисклари. Автотранспорт воситаларини суғуртаси бўйича тариф ставкаларини аниқланиши. Суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш. Автотранспорт суғуртасида франшиза. Суғурта полисларини расимийлаштириш ва тақдим этиш. Автотранспорт суғуртасида йўл қўйиладиган умумий истиснолар. Ҳаво транспортини суғуртаси. Юкларни суғуртаси. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси.

12-мавзу. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини суғурта қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти. Суғурта субъекти ва объекти. Суғурта фаолияти классификатори 8 ва 9-классларининг мазмун-моҳияти. Суғурталовчи ва суғурталанувчилар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш асослари. Бенефициар. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тегишли мол-мулклар ва уларни суғурта қилишнинг зарурлиги. Қишлоқ хўжалик экинлари бўйича ҳосилни камайиши натижасида кўриладиган молиявий зарар-суғурта объекти сифатида. Кузги ва баҳорги бошоқли дон экинлари, маккажухори, пахта ва бошқа техник экинлар. Суғурта субъектлари. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи хўжаликларнинг экинлардан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарари миқдорини-суғурта суммасини аниқлаш услуби. Суғурта рискларини таҳлил этиш.

13-мавзу. Қайта суғурта қилиш асослари

Қайта суғурталашнинг моҳияти. Қайта суғурталаш шартномасининг тузилиши. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Қайта суғурталаш соҳасида қўлланиладиган асосий ибора ва атамалар. Қайта суғурталаш шакллари: квотали қайта суғурталаш, нисбий ва нонисбий қайта суғурталаш. Факултатив ва облигаторли қайта суғурталаш. Чет мамлакатларда қайта суғурталашнинг ташкил этилиши.

14-мавзу. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти

Суғурта компаниясининг инвестицион сиёсати. Суғурталовчининг инвестицион жараёнларда иштирок этиш шарт-шароитлари. Суғурталовчининг инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Пай фондига ва умумий суғурталаш бўйича захираларни жойлаштириш.

15-мавзу. Суғурта ташкилотларида маркетинг стратегияси

Суғурта маркетингининг моҳияти, функциялари ва тамойиллари. Хорижий мамлакатларда суғурта маркетингининг назарий асослари. Суғурта компанияларида маркетинг ишини ташкил этиш. Суғурта компанияларининг маркетинг стратегияси.

16-мавзу. Суғурта ташкилотларини бошқариш тамойиллари

Суғурталовчилар меҳнат фаолиятини ташкил этиш асослари. Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик ва меҳнат кодексининг мазмун моҳияти. Суғурта ташкилоти ходимларнинг мансаб вазифалари. Суғурта компанияси ходимлари учун ички тартибга қоидалар тўғрисидаги Низом ва унинг мазмуни. Суғурта ташкилотларида маркетинг ва реклама, юридик маслаҳат ва бухгалтерия бўлим хизматларини ташкил қилиш. Андеррайтернинг функция ва вазифалари. Унинг мажбуриятлари.

17-мавзу. Суғуртада риск менежменти

Риск ва суғурта назарияси. Риск тушунчасига берилган таърифлар. Риск тушунчаси, унинг моҳияти ва турлари. Рискларнинг умумий классификацияси. Суғурта рисклари ва уларнинг бошқарилиши. Рискларни бошқариш моделлари. Суғуртага қабул қилинмайдиган рисклар. Ўзбекистонда рискларни бошқариш тамойиллари.

18-мавзу. Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги

Суғурталовчининг молиявий ҳолатини белгиловчи элементлар: актив, мажбурият, капитал. Суғурта ташкилоти молиявий натижасини баҳолаш билан боғлиқ элементлар: даромад ва харажатлар. Суғурта ташкилоти бухгалтерия ҳисоботининг таркиби: баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ва бошқалар. Суғурта ташкилоти бухгалтерия ҳисоботининг шакли ва уни тегишли фойдаланувчиларга тақдим этиш муддатлари.

19-мавзу. Хорижий мамлакатлар суғурта тизими

Жаҳон суғурта бозори ривожланишининг умумий тенденциялари. Европа Иттифоқи суғурта тизими. АҚШ суғурта тизими. Буюк Британия суғурта тизими. Япония суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

20-мавзу. Суғуртанинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболи

Суғурта ташкилотини тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш. Суғурталовчини ташкил этиш шакллари: тарихий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёндашувлар. Тижорат асосида фаолият юритувчи суғурта ташкилоти ва

унинг ўзаро суғурталаш жамиятларидан ташкилотларидан фарқи. Ўзаро суғурталаш: уни ташкил этишнинг тарихий ва замонавий шакллари. Иқтисослашган ва универсал суғурта ташкилотлари. Кептив суғурта ташкилоти. Суғурта ташкилотининг ташкилий тузилиши. Суғурта ташкилотининг бош офиси ва унинг филиаллари ўртасидаги муносабатлар.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Суғурта назарияси ва амалиёти фанининг предмети, объекти, мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқдорлиги.
2. Риск назарияси ва унинг суғуртадаги роли.
3. Суғуртада риск трансфери.
4. Суғуртанинг назарий асослари ва иқтисодий моҳияти.
5. Суғурта атамалари дефиницияси ва уларнинг гуруҳланиши.
6. Суғуртанинг эволюцияси ва иқтисодиётдаги роли.
7. Ўзбекистонда суғуртанинг ривожланиш босқичлари.
8. Суғурта инфратузилмаси ва унинг субъектлари.
9. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари.
10. Суғурта мукофотлари ва уларни ҳисоблаш тамойиллари.
11. Суғурта соҳалари ва уларнинг интерпретацияси.
12. Ҳаёт суғуртаси ва аннуитетлар.
13. Умумий суғурта ва унинг тур(класс)лари.
14. Мол-мулк суғуртаси.
15. Жавобгарлик суғуртаси.
16. Суғуртада риск трансформацияси.
17. Суғурта ташкилотининг иқтисодий-молиявий фаолияти.
18. Суғурта ташкилоти даромадлари ва харажатлари.
19. Суғурта ташкилоти захиралари.
20. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти.
21. Суғуртада бизнес жараёнлари реинжиниринги.
22. Суғурта менежменти ва персонални бошқариш.
23. Суғурта бозорининг таркиби, ҳолати ва муаммолари.
24. Суғурта маркетинги ва унинг инструментлари.
25. Суғурта маҳсулотини яратиш ва сотиш инжиниринги.
26. Суғурта фирибгарлиги ва уни бартараф этиш.
27. Ривожланган мамлакатларнинг суғурта тизимлари.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;

- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлар нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг бозор муносабатларида тутган ўрни.
2. Суғурта назарияси ва амалиёти фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари.
3. Суғуртанинг ривожланиш босқичлари.
4. Суғурта муносабатларида қўлланиладиган ибора ва тушунчалар.
5. Ўзбекистонда суғуртанинг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.
6. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва суғурта компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.
7. Суғуртада тариф сиёсати.
8. Суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш.
9. Суғурта компаниясининг молиявий асослари.
10. Шахсий суғурта.
11. Жавобгарликни суғурта қилиш.
12. Мажбурий давлат суғурта турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари.
13. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни суғурталаш.
14. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш.
15. Қайта суғурта қилиш асослари.
16. Суғурта ташкилотининг иқтисодиёти ва уни молиявий барқарорлиги.
17. Суғурта муносабатларида таваккалчиликнинг мавжудлиги.
18. Суғурта фондларини ташкил этиш ва уларнинг шаклланиши.
19. Суғуртани классификациялаш.
20. Суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари.
21. Суғурта ташкилотларида бизнес жараёнларини ташкил этиш.
22. Суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмаси.
23. Суғурта ташкилотида иш юритишни ташкил этиш асослари.
24. Суғуртанинг иқтисодиётдаги аҳамияти.
25. Суғурта муносабатларининг амалга ошиш босқичлари.

26. Суғурта фондининг шаклланиш манбалари.
27. Суғурта захираларидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар.
28. Суғурта таваккалчиликлардан кўриладиган иқтисодий зарарларни камайтириш ва бартараф этишнинг муҳим воситаси.
29. Суғурта хизматларидан фойдаланиш доирасига қараб классификациялаш.
30. Миллий иқтисодиётни ривожланишида суғурта бозорининг роли.
31. Суғурта бизнесини ташкил этишга давлат томонидан қўйиладиган талаблар.
32. Ўзаро суғурталаш: уни ташкил этишнинг тарихий ва замонавий шакллари.
33. Андеррайтернинг функцияси ва вазифалари.
34. Суғуртанинг моҳияти юзасидан ғарб олимларининг қарашлари.
35. Жаҳон иқтисодиётида дастлабки суғурта ташкилотларининг вужудга келиши.
36. Суғурта тарифи ва суғурта мукофоти.
37. Суғурта муносабатларини нотармоқ классификацияси: ихтиёрий суғурта; мажбурий суғурта; мажбурий давлат суғуртаси.
38. Суғурта бозорининг турлари.
39. Қайта суғурта турлари.
40. Факультатив қайта суғуртанинг хусусиятлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 420 б.
2. Анисимов А. Ю. Страхование дело: учебник и практикум для СПО. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 186 с.
3. Маслова Т. Медицинское страхование граждан. Новшества, возможности выбора. – М.: Библиотечка РГ, 2014. – 192 с
4. Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. –384 б.
5. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Широнов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.Т.: Иқтисод-молия, 2014. 247 б.

Қўшимча адабиётлар

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

10. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

11. Абдурахмонов И. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – 380 б.

12. Андреева Е. В. Страхование: курс лекций. – Иркутск: Изд-во БГУ, 2015. – 263 с.

13. Кенжаев И., Матиязова С., Адилова Г. Суғурта маҳсулотларини сотишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2018. 132 б.

14. Разумовская Е.А., Фоменко В.В. Страхование дело: учебное пособие. – Екатеринбург: Гуманитарный университет, 2016. – 249 с.

15. Тарасова, Ю. А. Страхование : учебник и практикум для прикладного бакалавриата. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 236 с.

16. Jack Kinder Jr. Garry Kinder “Secrets of Successful Insurance Sales”, Napoleon Hill Foundation, UK, 2012.

17. Robert H., II Jerry, Douglas S. Richmond “Understanding Insurance Law”, LexisNexis; 5 edition, UK, 2012.

18. Rene Doff “Risk Management for Insurers, Third Edition”, Risk Books, 2015.

Интернет сайтлари

19. www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали);

20. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари базаси);

21. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти);

22. www.znau.ru (Электрон кутубхона);

23. www.saipro.uz (“Саипро” рейтинг агентлиги расмий сайти).

